## ДАЛИЛ ВА ТАҲЛИЛ

**Истиқлол ислоҳотлари туфайли бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини эгаллаган бозор иқтисодиёти шароитида шартнома барча мулк шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатга айланди.**

# ШАРТНОМА — БОЗОР ШАРТИ

### РЕЖАЛИ ИҚТИСОД, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА ШАРТНОМА

Биламизки, яқин ўтмишда — режали иқтисодиёт даврида ҳам шартномалар тизимидан фойдаланилган. Аммо якка мулкчилик, яъни давлат мулкчилигининг танҳо ҳуқуқи ҳукмронлик қилган замонда шартномалар режа ва топшириқларни бажариш учун қўлланиладиган бир восита ҳисобланган, холос. Қолаверса, илгарилари шартномага уни тузган томонларнинг истак ва манфаатларини ифода этувчи тўла ҳуқуқли юридик ҳужжат деб ҳам қаралмасди. Уларнинг қўлланилиши чекланган бўлиб, ҳаттоки, фуқароларнинг ўзаро битим тузиши қонун йўли билан жазоланадиган айб — чайқовчилик сифатида қораланар эди.

Шу маънода, шартноманинг ҳуқуқий мақомини тамомила ўзгартириш ва умуман, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш борасида мамлакатимизда жиддий ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир.

Аввало, шартнома тузувчи томонлар таркиби бўйича олдинги чекловлар буткул олиб ташланди. Шартнома мавзуси бўла оладиган нарсалар доираси ҳам беҳад кенгайди. Натижада хўжалик фаолиятининг турли жиҳатларини ўзида акс эттирувчи шартномалар тобора кенг қўлланилгани сайин, турфа жабҳалар бўйича тадбиркорлик ташаббуслари янада тўлароқ намоён бўлмоқда.

Эндиликда шартнома режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш омилларига асосланмайди. Билъакс, бозор қонуниятлари талабига биноан, шартномавий муносабатлар товар-пул, яъни тенг тўловлар тарзида амалга оширилиб, шартнома уларга ҳуқуқий шакл ўрнида хизмат қила бошлади.

Шартнома муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратишда бутун дунё шартномачилик амалиётида қарор топган муайян анъаналар билан бирга халқимизнинг олис тарихи давомида шаклланган миллий омиллар, хусусан, иймон, орномус, қадр-қиммат, лафз ва бурд, одамийлик каби юксак фазилатларга ҳам алоҳида аҳамият берилаётгани ибратлидир. Зотан, халқимизнинг хўжалик муносабатлари жабҳасидаги кўп асрлик тажрибаси ўрганишга арзийди.

Тилимизда: «Сочганда сўзлашмасанг, хирмонда бўзлашасан» деган мақол бор. Деҳқонлар ҳаётидан олинган ушбу ҳикматнинг тўғри маъноси шуки, бирор киши билан шериклашиб деҳқончилик қиладиган бўлсанг, у билан экин экилаётгандаёқ келишиб ол, агар бошида шартлашмасанг, ҳосил пишиб, хирмон кўтарилгач, уни бўлиб олишда шеригинг билан гапинг бир жойдан чиқмай қолиши мумкин. Мақолнинг мажозий маъносига келсак, ҳар бир ишни, биров билан бирор нарса хусусида келишув, битишув асосида пухта қилмоқ керак эканлиги англашилади. Бу эса ҳар қандай шартномавий ҳужжатнинг бирламчи шартидир.

Бугунги кунда Конституция, Фуқаролик кодекси, хўжалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар тўғрисидаги қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар шартнома муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонлари ва ҳукумат қарорлари шартнома муносабатларига юксак қонуний мақом бериш баробарида, бу тизимнинг босқичма-босқич такомиллашиб боришига хизмат қилмоқда.

### ШАРТНОМА ИЖРОСИ

Мамлакатимизда шартнома муносабатларининг мутлақо янги ва илғор назарий ҳамда ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, амалиётда ҳозирча баъзи бир қусурлар учраб турибди.

Бу қусурлар, аввало, корхоналар ўртасида тузилган шартномаларнинг ижроси билан боғлиқ. Шартнома ижроси жараёни, бозор иқтисодиёти қонуниятига кўра, моддий ижродан, яъни ўзаро мажбуриятларнинг бажарилишидан, ижронинг ҳужжатли асосда тасдиқланишидан иборат. Шартнома бажарилмаслиги корхонага катта иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, унинг истиқболини хафв остига қўяди, ҳар икки томондаги корхоналар ишчиларининг маош ололмаслигига сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик суди 1997 йилда кўриб чиққан ишларнинг 1832 таси, ёки 67 фоизи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосидаги низолардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти шартномавий мажбуриятларни бажармаслик оқибатида юзага келган.

Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича 433 та, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича 296 та, қарз ва кредит, шу жумладан, банк кредити бўйича 80 та, камомадларни (асосан, пахта, шакар ва дон) ундириш бўйича эса 583 та иш кўриб чиқилган. Ана шу ишлар юзасидан жами 1 миллиард 845 миллион 533 минг сўм маблағ жавобгарлардан даъвогарлар фойдасига ундириб берилган.

Шунингдек, прокуратура идоралари томонидан ҳам ўтган йил давомида хўжалик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан бир қанча нуқсонлар аниқланди.

Тошкент шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майда чиққан «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ижроси юзасидан 1997 йил мобайнида 112 марта текшириш ўтказган.

Ана шу текширишлар натижасида шартнома шартларини ўз вақтида бажармасдан ва оқибатда муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан 48 та жиноят иши, 623 та маъмурий, 25 та моддий ва 27 та интизомий жавобгарлик ишлари қўзғатилди.

Хўш, дебиторлик-кредиторлик қарзлари нима ва бозор шароитида улар бўлиши мумкинми? Президент Ислом Каримовнинг **«Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби»** китобида қайд этилганидек: **«уни қайта-қайта, аммо оддийгина тушунтириш мумкин:**

**Бир тарафдан — мен маҳсулотни жўнатдим, лекин ҳақини олмадим;**

**бошқа бир тарафдан — мен маҳсулотни олдим, лекин ҳақини тўламадим.**

**Нима қилиш керак, ким ҳақ, ким ноҳақ? Ким жавобгар бўлиши керак?**

**Айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжакўрсинга шартнома тузган кишилардир. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади.**

**Бу — биринчидан.**

**Иккинчидан, ўз маҳсулотига ҳақ оломаслигини олдиндан била туриб, уни жўнатиб юборганлар айбдор.**

**Ва, учинчидан, бизга хўжаликлар олдиндан ҳақ олмасдан маҳсулот етказиб беришга мажбур, дейдиган, улар билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган боқибеғамлар жавобгарликка тортилиши керак».**

### ШАРТНОМА ТЎҒРИ ТУЗИЛМАГАЧ...

Хўжалик шартномаларининг малакали ва пухта тузилиши томонлар мажбуриятларни нотўғри талқин этишларига, шериклардан бири шартномага ноинсоф муносабатда бўлганида ёки уни беихтиёр бузиб қўйганида бу ҳолат бошқа томонга зарар келтиришига имкон бермайди.

Таҳлилларимиз айрим корхона ва ташкилотларда шартнома тузиш ва уларни бажариш борасида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатмоқда.

Шаҳар хўжалик судида кўрилган иш бўйича жавобгар — «Тошметроқурилиш»нинг механизациялаштириш бошқармаси билан даъвогар — 121-сон Янгибозор акциядорлик автокорхонаси ўртасида 1996-97 йилларда юк ташиш юзасидан шартномалар тузилган ҳамда ушбу шартномаларда муддати ўтган дебиторлик қарзи учун кунига 1 фоиз жарима ундирилиши белгиланган эди.

Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги оқибатида хўжалик судининг қарори билан даъвогар ташкилот фойдасига 3 миллион 661 минг 878 сўм, кўрсатилган транспорт хизмати учун асосий қарз миқдори ва тўловни кечиктирган ҳар бир куни учун эса — 4 миллион 430 минг 872 сўм пеня, яъни бурдсизлик товони жавобгар корхонадан ундириб берилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан республика Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармони ижроси аҳволи юзасидан текширишлар ўтказилди. Йил давомида пойтахт корхона ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги шартномалар тузилишида йўл қўйилган нуқсонлар аниқланиб, бу борада 34 та маъмурий, 6 та интизомий, 9 та жиноят иши қўзғатилди ва 147 та бошқа прокурорлик таъсир чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, шаҳардаги бозорлар фаолияти, шу жумладан, улар томонидан фьючерс ҳамда бошқа шартномаларнинг тузилиши ва ижроси билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, прокуратура томонидан 60 дан ортиқ жиноят иши, 120 тадан зиёд прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

### РАҲБАР ВА ШАРТНОМА

Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ масъулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Ҳуқуқ идоралари ўтказган текширишларда айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан шартномаларни тузиш ва ижро этишда қонунчиликка риоя этмаслик ҳолатлари кўплаб аниқланди. Жумладан, ўтган йили худди ана шу ҳолатлар юзасидан Тошкент шаҳри бўйича 620 та мансабдор шахс шаҳар прокуратураси томонидан огоҳлантирилган.

Таассуфки, аксарият раҳбарларда ҳозиргача мулкдорлик туйғуси шаклланиб улгурмаган. Баъзи раҳбарларимизда эса ўз хўжалигининг моддий-молиявий натижаларига эътиборсизлик кайфияти қонун ва судларга нисбатан earnописандлик билан қоришиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Улар томонидан ташкилотларнинг талабномаларига ўз вақтида жавоб бермаслик, суд мажлисларида иштирок этмаслик каби ҳоллар қўшимча харажатлар келиб чиқишига — давлат божлари ва турли хил жарималар тўланишига сабаб бўлаётир.

Мисол учун, номи юқорида қайд этилган жавобгар ташкилот — «Тошметроқурилиш»нинг механизациялаштириш бошқармасидан талабномага жавоб бермаганлиги учун Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг 10-моддасига асосан 161855 сўм жарима, даъво тўғрисидаги фикрини судга тақдим қилмаганлиги ва суд мажлисига келмаганлиги учун ХПКнинг 79-моддасига мувофиқ 6000 сўм жарима хўжалик суди томонидан давлат бюджетига ундириб олинган.

«Тоштрансмахсусқурилиш» акциядорлик жамияти эса жавобгар сифатида талабномага жавоб бермаганлиги учун давлат бюджетига 138669 сўм миқдорида жарима тўлаган.

Шундай қилиб, 1997 йил давомида Тошкент шаҳар хўжалик судида кўрилган 105 та иш бўйича корхона ва ташкилотлардан ХПКнинг 10-ва 79-моддаларига мувофиқ давлат бюджетига 3 миллион 385 минг сўм жарима ундирилди.

Лекин хўжалик суди мутахассисларидан суриштириб билишимизча, бу маблағлар раҳбарларнинг ўз ҳамёнидан эмас, балки уларга тегишли корхоналар ҳисобидан ундирилар экан.

Савол туғилиши табиий: раҳбарнинг лаёқатсизлиги, эътиборсизлиги ёки бебурдлиги учун унинг қўл остидаги корхонадан (раҳбарнинг ҳамёнидан эмас) жарима ундирилиши хўжалик судларининг жазо чоралари самарадорлигига хизмат қиладими?

### ЯНГИ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЭСКИ НУҚСОНЛАРИ

Ўтган йилги шартномаларда учраган кўплаб камчиликлар — маҳсулотларга ҳақ тўлаш, уларни етказиб бериш муддати, тара билан таъминлаш, транспорт, мулкий жавобгарлик ҳолатларнинг ҳужжатлар шартларида акс этмаслиги каби салбий нуқсонларга қарши шунча назорату жазо чоралари қўлланилишига қарамасдан 1998 йил учун тузилган шартномаларда ҳам учраётгани ачинарлидир.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси топшириғига биноан Адлия вазирлиги, Прокуратура ва Олий хўжалик суди вакиллари томонидан январь ойида «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясидаги жорий йил учун хўжалик шартномалари тузиш ва уларни бажариш бўйича мавжуд аҳвол ўрганилганда бир қатор ана шундай камчиликлар аниқланди.

«Ўзбексавдо»га қарашли «Гўштсут савдо» Давлат савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси 1998 йил учун январь ойига қадар 272 та хўжалик шартномаси имзолаган бўлиб, мазкур шартномаларнинг аксарияти амалдаги қонунчилик талабларига, хусусан, Фуқаролик кодексининг тегишли қоидаларига зид тарзда тузилганлиги маълум бўлди.

Аксарият шартномаларда «Гўштсут савдо» бирлашмасининг манфаатларига ён берилиб, бирёқламаликка йўл қўйилган. Шартнома мавзуси, тегишли маҳсулотнинг миқдори, сифати, етказиб бериш ва кафолат муддатлари, юклаш, ташиш ва қадоқлаш билан боғлиқ шартлар кўзда тутилмаган. Ҳаттоки, тузилган шартномалар бўйича аниқ маблағларнинг миқдорлари кўрсатилмаган. Бу шартномаларда томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун мулкий жавобгар эканликлари тўғрисидаги шартлар ҳам ўз ифодасини топмаган.

Хулоса шуки, шартнома муносабатлари бозор иқтисодиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Президентимиз 14 февраль куни вилоятлар ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан учрашувда таъкидлаганларидек: «Жамиятимизда шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш масъулияти тўла қарор топмас экан, эски иллатлардан қутулиб бўлмайди. Шартнома амал қилмаса, унинг ўрнини порахўрлик, боқимандалик ва буйруқбозлик эгаллаши тайин».

**Ғулом МИРЗО,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

## МИЛЛИЙ ДАСТУРГА ЮКСАК БАҲО

Яқинда Деҳлида таълим соҳаси ва саводсизликни тугатиш бўйича иккинчи Осиё минтақавий анжумани ўз ишини якунлади. Унинг ишида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Анжуман ишида, шунингдек, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТнинг Тараққиёт дастури вакиллари, Канада, Буюк Британия, ХХР, Индонезия, Таиланд, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Шри-Ланка, Непал, Бутан, Бангладеш, Монголиядан делегациялар қатнашди.

Таълим тизимига жалб этилаётган хусусий ва давлат сармояларининг ҳажмини ошириш, ўқитувчиларнинг касб савиясини юксалтириш ва ўқитишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш, аёлларни ўқитиш ва уларнинг билим олиш ҳуқуқларининг таъминланиши муаммолари, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш бўйича турли мамлакатлар концепциялари муҳокама этилди.

Ўзбек делегацияси анжуман иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини тақдим этди.

— Бундай Миллий дастурнинг яратилиши — Ўзбекистоннинг замонавий даражадаги яна бир ютуғи, мамлакат мавқеининг жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкамланаётганлигининг ва Ўзбекистон ҳукуматининг ёш авлод саводхонлик даражасини юксалтиришга бўлган эътиборининг кўрсаткичидир, — таъкидлади АҚШдаги Пенсильвания университетининг Саводхонлик бўйича тадқиқотлар халқаро институтининг ижроия деректори Муҳаммад Маъмурий.

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастури конференция иштирокчилари томонидан юксак баҳоланди.

**Аслом АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Деҳли.**

## 1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

# МЎЪЖАЗ МАМЛАКАТ

**Оиланинг таянчи аёлдир. Айниқса, Шарқ маданияти, Шарқ халқлари ҳаётида оила муқаддас даргоҳгина бўлиб қолмай, тотувлик, аҳиллик, баркамоллик устуни ҳам ҳисобланади. Мухбиримиз Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнорахон МАЪРУПОВА билан шу мавзуда гурунглашди.**

**— Юртбошимизнинг ташаббуси билан бу йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Фарғоналик мўътабар оналар, азиз опа-сингилларнинг бу янгича ташаббусга муносабатлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Ушбу ташаббус замирида ўзига хос тарихий ҳақиқат, келажак учун буюк масъулият ҳисси ётади. Вазифамиз тақозосига кўра, кўплаб меҳнаткаш, оддий аёллар билан учрашишга, турли йиғинларда, машваратларда қатнашишга тўғри келади. Президентимиз тарихий ташаббусни олға сурганларига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин бу хайрли иш аллақачон одамлар кўнглидан жой олиб улгурганлиги кишини хурсанд қилади. Айниқса, кўпни кўрган онахонлар, меҳнат фахрийларининг қувончларини сўз билан ифодалаш қийин.

Шунингдек, республика Олий Мажлисининг X сессияси кун тартибига «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси» лойиҳаси қўйилганлиги ҳам муҳим тарихий воқеа бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Бу лойиҳа дунёдаги шундай ҳужжатларнинг энг яхши томонларини ўзида мужассам этганлиги билан қадрли ва эътиборлидир. Шарқона ҳурмат-эътибордан келиб чиқиб, лойиҳанинг 7-моддасига **«Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга, ҳурматга сазовор, давлат томонидан муҳофаза қилинади ва рағбатлантирилади»** деб ёзиб қўйилган. Ахир, бу оилага ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эмасми? «Оила йили»да «Оила кодекси»нинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг истиқболли келажагида муносиб из қолдириши, шубҳасиз. Бу эса юртимизда оила тақдири давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганлигини яққол исботлайди.

Шу ўринда йўлбошчимизнинг яна бир пурҳикмат гапларини тилга олиб ўтмоқчиман: «Ҳар бир оиланинг ўзи мўъжаз мамлакатдир. Бу мамлакатнинг куч-қудратини шу оиланинг иқлими, руҳий дунёси, моддий неъматлар яратишдаги бунёдкорлик иқтидори ҳал этади». Дарҳақиқат, маънавий ва иқтисодий тарбия аввало, оиладан бошланади. Оила мустаҳкам, тинч-фаровон бўлсагина жамиятда барқарорлик вужудга келади. Бу эса ўз навбатида, маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлиги, ислоҳотлар муваффақияти учун тегишли замин яратади. Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ бу соф инсонпарвар сиёсат асосида иш олиб бориляпти. Шунинг учун ҳам давлатимизнинг ижтимоий негизларини, унинг барқарорлигини мустаҳкамлашда жисмонан бақувват, маънавий бой авлодни, яъни эртанги кун эгаларини тарбиялашда оиланинг роли жуда катта аҳамиятга эга. Вилоятимизда 62000 дан зиёд оила мавжуд. Биз бу даргоҳларни мўъжаз мамлакат, деб атадик. Бу мамлакатларнинг кучи бирлаштирилса, фақат эзгу ниятларга йўналтирилса, келажаги буюк юртнинг порлоқ истиқболига ишонч ва умид уйғонади.

Вилоятда оиланинг таянчи ҳисобланган оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Фақат ўтган йилнинг 11 ойида ижтимоий ночор оилаларга 960 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Тўй оиланинг муқаддас бурчи ҳисобланиб келган. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим оилаларнинг қўли калталик қилиб қоляпти. Шунинг учун ҳам алоҳида ҳисобда турган кам таъминланган оилалар доимо эътиборимизда бўляпти. Фақат шу йилнинг ўзида 500 нафардан зиёд боланинг хайрия-суннат тўйлари ўтказилди, 11 та никоҳ тўйини ўтказишда бошқош бўлдик. 400 та ночор болаларга эса хайрия ёрдамлари уюштирилди. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолликларини ошириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида махсус дастур ишлаб чиқилди ва шу асосда иш олиб бориляпти. Дастур асосида ўтказилаётган семинарлар, учрашувлар, суҳбатлар, кўрик- танловлар асосан оилани мустаҳкамлашга, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади.

**— Лекин бу борадаги барча ишларимиз яхши, бир текисда боряпти, десак унчалик тўғри бўлмайди. Ҳали ҳам аёллар ўртасида жиноят содир қилиш, ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар, келинларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳоллари учраб турибди. Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида оиланинг роли қандай бўлади?**

— Аёллар ўртасида жиноятчилик ҳолатини таҳлил этганимизда бу аҳволга чек қўйиш борасида ижобий натижаларга эришилаётганлиги бизни қувонтиради. Аммо барибир хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик мавжуд эканлиги ҳақида гапиришнинг ўзи халқимиз табиатига, ўзбек аёли шаънига соя ташлаб турибди. Жиноятчиликнинг қатор турлари бўйича аввалги йилларга нисбатан пасайиш сезиляпти.

**— Вилоятда ёшлар тарбиясига қай тариқа аҳамият бериляпти?**

— Миллат, Ватан истиқболи, ҳозирги ёшларимиз маънавий қиёфаси, қизиқишлари, юртга, ота-онага, маҳалла-кўйга, оилага меҳр-муҳаббати, садоқат туйғулари билан чамбарчас боғлиқдир. Миллатимизнинг қадриятларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳамма замонларда ёшларни тарбиялаш орқали жамиятнинг маънавий юксалишига замин ҳозирланган. Бу борада мамлакатимизда муҳим тадбирни давлат сиёсати даражасига кўтариш ҳар биримизнинг эзгу вазифамиздир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Набижон СОБИР суҳбатлашди.**



*«Деновёғ» экстракция заводи» акциядорлик жамияти ишчиси Хурсаной Ҳотамова (суратда) зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган: маҳсулот тозалигини текширади. У бу вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. Шу боис заводда сифатли ўсимлик ёғи тайёрланмоқда.*

Р. СОДИҚЗОДА олган сурат.

## ТАҲЛИЛ

# ҚОЛОҚЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ

## ёки даромади харажатига етмаётган

**Баъзан ўйланиб қолади, киши. Кўплар пахта ва ғалла етиштириб бой бўлмоқда. Аммо республикамиздаги баъзи хўжаликларда бу экинлар даромад харажатини қопламаяпти. Нега шундай бўляпти? Пахта ёхуд ғалладан юқори ҳосилдорликка эришиш учун уларга нима етишмаяпти? Етти иқлимга довруғ солган деҳқонларимиз, ер, сув, ўғит бўлса, яна нима керак ўзи? Эҳтимол, об-ҳаво ноқулай келаётгандир? Лекин ҳамма муаммони ҳам бунга боғлаб бўлмайди-ку! Зеро, қолоқлик учун баҳоналар қанчалик кўп бўлмасин республикамиздаги аксарият деҳқон (фермер) хўжаликлари пахтадан 40-50 центнердан ҳосил олишяпти. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Бунинг сир-синоати нимада? Мухбиримизнинг иқтисод фанлари номзоди Одил ҲАМРОЕВ билан суҳбати ана шу ҳақда.**

**— Маълумингизким, бугун ислоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бизни тўйдирадиган ҳам, кийдирадиган ҳам шу соҳа. Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари, республика вазирликлари ва идора раҳбарлари билан учрашувда ҳам бу ҳақда куйиниб гапирдилар. Ўша учрашувда таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг бориши бизни қониқтира олмаяпти. Одамларнинг ерга, мулкка, меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиришга ҳали тўлиқ эришганимизча йўқ. Устига устак, кўпгина хўжаликлар йилни зарар билан якунлашди.**



— Фикрингизга қўшиламан. Тўғри, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, суғурталаш ва тармоқни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилаётир. Пахта ва дон учун ҳисоб-китоблар тизимида жиддий ўзгаришлар қилинди. 1997 йилда етиштирилган дон учун эса ҳисоб-китоб охирига етказилди. Пахта хомашёси учун 1998 йил январигача 90 фоиз миқдорда тўловлар амалга оширилди. Умуман, соҳада қилинган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришилмоқда. Ўтган йилда 1996 йилга нисбатан ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 5,8 фоизга ўсди. Бироқ, айтганингиздек, соҳани тубдан яхшилаш билан боғлиқ кўплаб муҳим омил ва имкониятлар ишга солинмаяпти. Энди шуларни ўйлаганда, биласизми, Президентимиз ўта муҳим, долзарб вазифаларни илгари сурганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Эътиборингизни маълумотларга қаратсам, 660 тадан ортиқ қишлоқ хўжалик корхонаси ўтган йилни 10 млрд. сўмга яқин зарар билан якунлади. Бу кўрсаткич барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг 25 фоизи йилни зарар билан якунлади деган гап. Ҳолбуки, табиат ўз саҳийлигини аямаган юртимиз табиий шароитида ҳеч қандай харажатларсиз ҳар гектар ердан 10-12 центнердан пахта ҳосили олиш мумкин. Бироқ шундай имконият бўлса-да, республикамизнинг бир қатор (Зарбдор туманидаги «Зарафшон», Шеробод туманидаги «Наврўз», Оқ олтин туманидаги А. Муҳамедов номли, Тахтакўпир туманидаги «Баршитау», Олот туманидаги «Амударё», Бўка туманидаги «Гулистон») жамоа хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги бор-йўғи 2,3-6,7 центнерни ташкил қилди. Очиғи, ушбу рақамларни айтишга уялади киши. Мазкур хўжаликларда бошоқли дон экинлари самарадорлиги ҳам анча паст. Республикада ўртача дон ҳосилдорлиги 20,7 центнер бўлгани ҳолда бу хўжаликларда дон ҳосилдорлиги 10 центнердан ҳам ошмади.

Йилни зарар билан якунлаган хўжаликларда пахтанинг ўртача харид нархи 19800 сўм бўлган бўлса, кўпгина хўжаликларда бу кўрсаткич 50 минг сўмни ташкил қилди. Яъни олинган даромад харажатни қопламади. Энг ачинарлиси, пахта ва дон ҳосилдорлиги нисбатан 4-5 баравар паст бўлган бир шароитда таннарх 3,5-4 баравар юқори бўлмоқда. Нега дерсиз. Чунки жойларда хўжалик юритишнинг серхаражат механизми ҳанузгача сақланиб қолган. Яъни беш юз сўм ўрнига тахминан минг сўм харажат қилиб ишлашяпти. Бу табиийки ишлаб чиқаришда, маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараяпти.

Тан олиш керак, ўтган йил деҳқонлар учун яхши келди. Бироқ Оллоҳнинг инояти ёғилган заминимиз, ернинг нафас олишига қараб, уни нимага муҳтож эканлигини айтиб бера оладиган деҳқонларимиз бўлсада, ҳар тўртинчи қишлоқ хўжалик корхонаси йилни зарар билан якунлади.

**— Мутахассис сифатида Сиз бунинг сабабларини нимада деб биласиз. Умуман деҳқонларимизнинг юқори ҳосилдорликка эришиши учун яна нима етишмаяпти?**

— Менимча, асл пахтакорга,соҳибкорга деҳқончиликдан кўп сабоқ беришнинг ҳожати йўқ. Очиғи, малол келади. Мадомики, шундай экан, энди деҳқон ҳам замонавий техникани тушуниши, ўз устида ишлаши ва бугунги кун нафаси билан яшаши керак. Тўғри, бугун улар режани бажариш охирги манзил эмаслиги, балки ошириб уддалашгина бирини икки қилишини англаб етаяпти. Лекин, назаримда, деҳқон бир қарич ерни ардоқлаши ва эгалик қилиши билан чекланмасдан, таъбир жоиз бўлса, ундан самарали фойдаланиш учун ҳам талашиши керак.

Баъзида «бизда деҳқончилик маданияти паст, ерга эътибор йўқ, деган гап қулоғимизга чалиниб қолади. Сир эмас, ҳозир жуда кўп хўжаликларда ерга кўр-кўрона муносабатда бўлишаяпти. Ернинг тилини билмай меҳнат қилишаяпти. Лекин ҳосилдорлик паст, натижа йўқ. Нима учун? Чунки ер таркиби алоҳида-алоҳида олиниб, ҳам илмий, ҳам амалий талаблар нуқтаи назаридан обдон ўрганилмаяпти. Бусиз бирор натижага эришиш қийин. Шунинг учун ерни ҳар жиҳатдан пухта биладиган деҳқонларга бериш керак. Кейинги сабабни аксарият хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни ҳисоблаш, ички ва ташқи молиявий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини бутунлай издан чиққанлиги, ички назоратнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўзингиз ўйланг, жойларда молия, солиқ, банк тизими томонидан хўжаликларнинг ер фондидан, моддий ресурсларидан ва ички резервларидан қандай фойдаланилаётганлигини текширувчи ташқи назорат ўз ҳолига ташлаб қўйилган шароитда қандай қилиб юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин?

# АФРОСИЁБ ДЕВОРИЙ НАҚШЛАРИ АБАДИЙДИР

**Самарқанд ҳукмдори — шоҳ Вархуман мероси ўн уч асрдан сўнг Сена қирғоқларига етиб борди**

Яқинда Парижнинг Эколь Нормаль Суперьер (муаллимлар институти) мажлислар залида «Самарқанд. Афросиёб саройининг «Элчилар зали» деворларига солинган нақшлар. Уларни талқин этиш, асраш ва намойиш этишнинг фойдали йўллари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Самарқанддаги Афросиёб шаҳри ўрнида археологик қазиш ишлари олиб бораётган ўзбек-француз қўшма экспедициясининг раҳбарларидан бири Франц Грен ва француз Миллий илмий-тадқиқот марказининг девор нақшлари бўйича эксперти Аликс Барбэ хоним томонидан ташкил этилди.

Маърузаларда Афросиёб деворларига солинган нақшларнинг илмий ва тарихий аҳамияти, уларнинг француз мутахассислари томонидан атрофлича талқини, ушбу ажабтовур, тенги йўқ ёдгорликни келгуси авлод учун авайлаш, асраб қолиш усуллари тўғрисида сўз борди. Шунингдек, мутахассислар учун мазкур санъат асарларининг ўзига хос бадиий қиммати уларнинг вақт ва услуб жиҳатидан Рим ва мусулмон наққошлик мактаблари оралиғида туриши таъкидланди.

Маълумотлар нақшларнинг асл нусхалари ва кўчирма расмларидан олинган диапозитивларни намойиш этилган ҳолда бериб борилди. Ушбу анжуманда олимлар, талабалар ва жамоат ташкилотлари ҳамда Франция Ташқи ишлар вазирлигининг вакиллари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган мунозараларда Афросиёб музейини тезкорлик билан таъмирлашга зарур шароитлар яратиш, бинонинг доимий ҳарорат ва намлигини сақлашни назорат этиш учун замонавий ускуналар ўрнатиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Бундай ускуналарнинг йўқлиги нақшлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Музей биноси иситгич тизимининг носозлиги ва томонининг тузилишидаги баъзи нуқсонлар ёғингарчилик пайтларида ноёб асарларнинг орқа томонидан ёмғир сувларининг сизиб ўтишига сабаб бўлмоқда. Самарқанд маҳаллий бошқарув идораларига дарҳол мазкур муаммо билан шуғулланиши истаги билдирилди.

Конференция одатдагидан ташқари қарор қабул қилиш билан ниҳоясига етди. Тошкентдаги Охунбобоев кўчасида жойлашган Франция элчихонаси биносини таъмирлашда иштирок этган «Шамбон» фирмаси раҳбари жаноб Жан Дезелюз «Афросиёб нақшларини сақлаш дўстлари» ижтимоий жамғармаси ташкил этилажаги ҳақида таклиф билан чиқди. Ушбу фикрни «Темурийлар мероси ва тарихини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқаларини ривожлантириш ассоциацияси» қўллаб-қувватлади. Унинг бош котиби «Самарқанднинг мовий олтини» суратли альбом муаллифи Федерика Бопертуи-Брессан хонимдир. Ташаббускорларнинг фикрича, ушбу жамғарманинг бошқаларидан фарқи шундаки, у ҳеч қандай оралиқ бўғинга эга бўлмайди. Унинг ҳисоб рақамига тушган маблағ тўғридан-тўғри Афросиёб нақшларини сақлаб қолиш учун сарфланади. Мазкур тасвирлар ўзбек халқининг мулкигина эмаслиги, балки ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритишга лойиқ обида эканлиги таъкидланди.

**Жўра ДЕҲҚОНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Париж.**

*Исми не-*
*Тополмай юрак*
*адашар,*
*Зуҳрому, Ойбарчин,*
*Гулираъноми?*
*У-нур,*
*Чеҳрасида ойлар*
*қамашар,*
*Мунис ва*
*мунаввар*
*Шарқнинг санами...*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) сурат-лавҳаси.**



## БИЗГА ЁЗАДИЛАР

# РИВОЯТ БАЛКИ ҲАҚИҚАТДИР

Буюк аждодимиз Бобур Мирзо бир пайтлар Қамаши туманидаги Пастал қишлоғи атрофида жойлашган тепаликлардан бирида маълум вақт яшаган дейишади. Айни пайтда ана шу тепаликни Бобур тепалиги деб аташади. Оқсоқолларнинг айтишларига қараганда, Қашқадарё дарёсининг бир ўзани ҳисобланган Лангар дарёси тўлиб-тошиб оққан. У Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланиб, йигирма-ўттизтача қишлоқни кесиб ўтиб Қашқадарё дарёсига қўшилган. Ана шу дарёда мулозимлардан бири оқиб, оламдан ўтади. Дарёга оққан жасадни топиш эса жуда қийин кечади. Ана шунда фармон берилиб, дарёнинг асосий сув манбаси қозон билан ёпилади. Оқибатда дарё соҳилларида бунёд этилган боғ-роғлар қурий бошлайди.

1986 йилда Қамаши тумани газетасида, 1991 йилда эса вилоят газеталарида мақола чоп эттириб, ушбу ривоятнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини аниқлаш масаласини кўтариб чиққан эдим.

Лекин бу мақола назардан четда қолди. Балки ўша қозон булоқ кўзини ҳали ҳам тўсиб ётгандир? Қани эди, бир пайтлар ўзининг мавжлари билан минглаб инсонларнинг қалбига жўшқинлик бахш этган Лангардарё яна мавжланиб оқса. Қўтирбулоқ қайта кўз очиб, боғроғларга бурканган қишлоқларни оралаб оқса. Фақат бунинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини аниқлаш учун Қўтирбулоқда археологларимиз текширув ўтказишса. Ҳаммаси ойдинлашади.

**Муродилла МАМАТОВ.**

# «АЛПОМИШЛАР СИНФИ»

Мамлакатимизда аждодларимизнинг қадимий, бетакрор бадиий ёдгорликларидан ҳисобланган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлашга катта тараддуд кўрилмоқда.

Навоий шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номли мактабда «Алпомишлар синфи» ташкил этилди. Мазкур синф ўқувчилари ўлмас асарнинг минг йиллигига бағишлаб бадиий кеча ҳам ўтказишди. Унда ўқувчилар достондан парчалар ижро этиб, асар асосида саҳна кўринишлари намойиш қилишди.

**Парда ЖУМАЕВ,**
**Навоий вилояти.**

# ШАҲАР ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

**Наманганда тозалик ва ободонлаштириш ойлиги эълон қилинди**

Бу гал фақат кўчалар ва уй-жой даҳалари ҳудудини тозалаш, тартибга солиш билан чекланилмайди. Шаҳар ҳудудидан ўтадиган учта канални тозалаш ишлари бошланди.

Шаҳардаги сув тармоқлари тозалигини назорат қилиб туриш ҳам кучайтирилади. Рўзғор чиқитларини шаҳардан чиқариб ташлаш устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатилади. Шаҳардаги шу иш билан шуғулланадиган махсус автобаза икки сменада ишлашга ўтказилиб, қўшимча автомашиналар билан тўлдирилди. Шаҳар ўттизга яқин зонага бўлинди. Бу зоналарнинг тоза тутилиши учун шу ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари масъулдир. Маҳалла қўмиталари янада фаолроқ ишлаши кутилмоқда. Тозалик ва ободонлаштириш ойлиги Наврўз байрами арафасида ниҳоясига етади. Бошланган иш кейинчалик ҳам давом эттирилаверади.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**


Эркаклар бақувват бўлиши керак




Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.



# ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

**акциядорларнинг умумий-ҳисобот йиғилиши**
**1998 йил 27 март куни соат 10.00 да**
**қуйидаги манзилда бўлишини маълум қилади:**
**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 98 (Киночилар уйи) .**

*Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1998 йил 15 февраль ҳолати бўйича тузилади.*

**Кун тартиби:**

1. «Банкнинг 1997 йилдаги иш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясидаги нутқида баён қилинган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 1998 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги йиллик ҳисобот.
2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Банкнинг бухгалтерия балансини 1997 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тасдиқлаш.
4. Банкнинг 1997 йилдаги фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
5. Фойдани тақсимлаш ва тўланадиган дивидендларнинг миқдори тўғрисида.
6. Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
7. Акциядорлар умумий йиғилишининг Регламентини тасдиқлаш.
8. Саноқ комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
9. 1998 йил учун Банк аудиторини тасдиқлаш.
10. Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари сафини тўлдириш учун сайлов ўтказиш.
11. Саноқ комиссияси аъзолари сафини тўлдириш учун сайлов ўтказиш.

*Банк акциядорларининг шўъба мажлисида сайланган вакиллар 1998 йил 27 март соат 8.30 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.*
*Акциядорларнинг вакилларида қуйидагилар бўлиши лозим:*
- **шахсий гувоҳнома;**
- **овоз бериш ишончномаси.**

Йиғилишни тайёрлаш бўйича ахборот ва унда кўриладиган ҳужжатлар билан "Ўзсаноатқурилишбанк"да, қуйидаги манзилда танишиш мумкин:
**700000, Тошкент ш., Абдулла Тўқай кўчаси, 3.**
**Боғланиш телефонлари: 133-59-41, 133-24-86.**


## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### БМТ БОШ КОТИБИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

*Маълумки, БМТ Бош котиби Кофи Аннан уч кун Ироқ пойтахти Бағдодда бўлиб, ушбу мамлакат раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Бош котиб Бағдодда икки кун бўлиши кутилаётган эди. Аммо у душанба куни Бағдодда қолиб, учрашувларни давом эттирди. Оммавий-ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Бош котиб Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари юзасидан бир қанча таклифларни, жумладан озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш учун нефть экспорт қилишни кўпайтириш ғоясини илгари сурган. Бу таклифга жавобан Ироқ ҳукумати бошлиғининг ўринбосари Тариқ Азиз БМТ экспертлари Президент қароргоҳларини текширишига розилик билдирган. Кофи Аннан Нью-Йоркка қайтганидан сўнг ўтказган музокаралари натижалари ҳақида БМТ Хавфсизлик Кенгашига ахборот беради ва шундан сўнг халқаро ҳамжамият қандай қарорга келганлиги маълум қилинади.*

### БЮДЖЕТ МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Россия Давлат Думаси мамлакатнинг 1998 йилдаги бюджети муҳокамасини тўртинчи ўқишда давом эттирмоқда. Президент Борис Ельцин Федерал Кенгаш депутатлари олдида қилган маърузасида бюджетга бир қанча ўзгаришлар киритишни таклиф қилган эди. Ҳукумат депутатлар ҳукмига бюджетнинг сарф-харажатлар қисмига тегишли ўзгартишларини ҳавола қилганидан сўнг муҳокама яна қизғин тус олди. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, Давлат Думасида бюджет учун овоз бериладиган кун, молия вазири М. Задорновдан ташқари ҳукумат раҳбарларидан бошқа ҳеч ким иштирок этмаган.*

### САЙЁҲЛИК РИВОЖ ТОПМОҚДА

*Миср иқтисодиётида сайёҳлик бизнеси алоҳида ўрин тутади. Мамлакатнинг қадимий шаҳарлари — Қоҳира ва Искандарияда дунё мўъжизалари деб тан олинган муҳташам тарихий ёдгорликлар минглаб хорижий сайёҳларнинг эътиборида бўлиб келган. Эндиликда сайёҳлик маршрутлари янада кенгаймоқда. Айниқса, Сувайш каналининг иссиқ қирғоқларида замонавий дам олиш масканлари жадаллик билан барпо қилинмоқда. Миср сайёҳлик фирмалари бутун дунёда одамларни бу мамлакатда дам олишга чорлаб, фаол ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, МДҲ давлатларида ушбу фирмаларнинг фаолияти йилдан-йилга кучайиб бормоқда.*

### ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ХУРУЖИ

*Ғарбий Грузияда террорчилар ҳамон БМТ вакилларини гаровда ушлаб туришибди. Террорчилар жойлашган бино хавфсизлик хизмати ва армиянинг махсус қисмлари томонидан ўраб олинган. Террорчилар Грузия Президенти Э. Шеварднадзега суиқасд қилишда айбланиб, қўлга олинган шерикларини озод қилишни талаб қилишмоқда. Террорчилар кеча бир нафар БМТ вакилини озод қилишган. Суиқасдда иштирок этганлар ҳам, террорчилар ҳам собиқ, марҳум Президент З. Гамсахурдиа тарафдорларидир.*

**Хориж оммавий-ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ


"Лок колор синтез" ишлаб чиқарувчи заводи

Наврўз байрами арафасида 1998 йил 9 февралдан 3 мартгача вилоятларда арзонлаштирилган нархларда Лак-бўёқ маҳсулотлари кўчма савдо-кўргазмасини ўтказади.

**"Навоийулгуржибиржасавдо".** Навоий шаҳри, Лермонтов кўчаси, 64. Телефонлар: (43622) 39-530, 38-369, 38-640.

**"Ўзулгуржибиржасавдо" базаси.** Самарқанд шаҳри, Тошкент тракти, Чўпон ота мавзеси. Телефонлар: (3662) 35-49-14, 35-30-07, 31-06-19 (факс).

**"Қорақалпоқбиржасавдо".** Нукус шаҳри, Хўжайли шоссеси, Қорақалпоқулгуржибиржасавдо биноси. Телефонлар: (36122) 77-596, 31-308, 33-531.

**"Наманганулгуржибиржасавдо".** Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кўчаси, 18. Телефонлар: (36922) 63-123, 42-481, 41-843, 63-571(факс).

**"Бухороқурилишмоллари".** Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Химзаводская кўчаси, 14. Телефонлар: (36552) 22-217, 22-562, 22-368, 22-451.

**Андижон вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.** Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 122. Телефонлар: (3742) 22-17-39, 22-17-37.

***Маълумот учун телефонлар: (371) 191-44-46, 191-47-41, 191-74-63(факс).***


Республика «Ўзагрокимётаъминот» Давлат-акционерлик бирлашмаси жамоаси, Тошкент вилоят «Агрокимётаъминот» Давлат-акционерлик бирлашмасининг раиси Жаҳонгир Шариповга оналари

**Иқболхон ИМОМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Оби Ҳаёт» акциядорлик инвестиция компанияси жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Алишер Ҳожибоевга онаси

**Роза ҲОЖИБОЕВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Ўқув маркази жамоаси республика прокуратурасининг масъул ходими А. Ж. Давлатовга турмуш ўртоғи

**Нурхон ДАВЛАТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича котибият мудири

**Анатолий Александрович МАНАСОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0984, 41.579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 22.20 1 2 3 4 5 6